**Boqiy fikr**

*Yoshlarni mustaqil fikrli, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni egallagan, sog'lom hayotiy pozitsiyaga ega, chinakam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash biz uchun hech qachon dolzarbligini yo'qotmaydigan masaladir.*

**Shavkat MIRZIYOYEV**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT ~ XALQ ZIYOLILARI GAZETASI ~ معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 16-sentabr, shanba № 74 (9035)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## КИТОБ МАҲСУЛОТЛАРИНИ НАШР ЭТИШ ВА ТАРҚАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КИТОБ МУТОЛААСИ ВА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда тегишли ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш, ташкилий-амалий ишларни замон талаблари асосида олиб бориш, бу масалага кенг жамоатчиликни жалб этиш бўйича кейинги пайтда бирмунча ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ўтказилган кузатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг кўламда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

**(Давоми 6-бетда.)**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЙЎНАЛИШИГА ОИД ФАНЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИБ ЎҚИТИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросини қадрлаш, уни ёш авлод онгига чуқур сингдириш, ўқувчиларнинг аниқ фанларнинг юксак марраларини забт этишига кўмаклашиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги иқтидорларини аниқлаш ҳамда қобилиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни (кейинги ўринларда Ихтисослаштирилган мактаб деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Ихтисослаштирилган мактабнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

**(Давоми 2-бетда.)**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш, таълимнинг юқори сифатини таъминлашда давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларининг 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахслар томонидан мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъий назар, нодавлат таълим хизматлари кўрсатишни лицензия асосида амалга ошириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш орқали таълим-тарбиянинг юқори сифатини таъминлайдиган қулай шарт-шароитлар яратиш;

**(Давоми 4-бетда.)**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИНИ ВА "АСТРОНОМИЯ ВА АЭРОНАВТИКА" БОҒИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тарихида астрономияга оид тадқиқотларнинг илдизлари энг қадимги даврларга бориб тақалади. Милоддан аввалги биринчи минг йилликда Ўзбекистон ҳудудида деҳқончиликнинг ривожланган тарихий-маданий марказларида Қуёш, Ой ва сайёраларнинг ҳаракатланиш қонуниятларига доир чуқур билимларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларини амалга ошириш муддатларини белгиловчи тақвимлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда астрономия фанининг жадал суръатларда ривожланиши ўрта асрлар даврига тўғри келади. Ўрта асрлар даврининг буюк мутафаккирлари Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, айниқса, Мирзо Улуғбекнинг математика ва астрономиянинг ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган.

Астрономия фанининг келгусидаги ривожланиши иқтидорли ёшлар орасидан ушбу соҳанинг малакали кадрларини тайёрлаш самарадорлигини оширишни талаб этиши, ўсиб келаётган ёш авлодни астрономияни ўрганиш бўйича халқимизнинг тарихий анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорли ёшларнинг астрономия ва аэронавтика фаолияти соҳасидаги миллий ва умумжаҳон илм-фанининг янги ютуқларини ўрганиш ва ўзлаштиришга бўлган интилишини ривожлантириш, ёшларнинг аэронавтика фани ва техника асосларини эгаллаши учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

**(Давоми 3-бетда.)**

**Газетани варақлаганда:**

**Эзгулик маёғи**

**Тарбиянинг боши — оила. Китобхон авлодни шакллантириш учун аввало китобхон оналарни кўпайтириш керак.**



7-бет

**Кирилми ёки лотин: муаммонинг ечими бор**

8-9-бетлар

**Энг маҳоратлиларгина ғолиб бўла олди**

**Иштирокчиларнинг танлов шартларида қийналиб қолгани кўзга яққол ташланди. Аксарият ўқитувчилар билими мактаб дарслиги билан чекланиб қолган.**



11-бет

2017-yil 16-sentabr, № 74 (9035)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЙЎНАЛИШИГА ОИД ФАНЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИБ ЎҚИТИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда математика, физика, информатика ва чет тили фанларининг чуқур ўқитилишини ташкил этиш;

ўқувчиларда дастурлаш асосларини, маълумотлар базаларини шакллантириш ва ахборот хавфсизлиги кўникмалари ва медиа маданиятни мактаб давридан бошлаб шакллантириш;

юқори касб маҳоратига эга бўлган педагогларни жалб этган ҳолда ўқувчиларнинг ёш математиклар, ёш физиклар, ёш дастурчилар, ёш ихтирочилар жамоаларини ташкил қилиш, уларнинг республика ва халқаро фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этишларини таъминлаш;

ўқувчиларни чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи миллий ва халқаро эътироф этилган сертификатлар олишга тайёрлаш;

ўқув жараёнининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан узвийлигини таъминлаш мақсадида 10-11-синф ўқувчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги етакчи ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиёти ўташларини ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Ихтисослаштирилган мактабни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби негизида ташкил этиш;

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тепамасжид кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежининг бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга Ихтисослаштирилган мактабга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш;

Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежининг 2-3-босқич ўқувчилари Ихтисослаштирилган мактаб биносида ўқишни битиргунларига қадар давом эттириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Белгилансинки:

Ихтисослаштирилган мактабга ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланадиган квота асосида 5-синфдан бошлаб ёзма ва оғзаки синов натижаларига кўра танлов асосида қабул қилинади;

Ихтисослаштирилган мактабнинг биноларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, зарурат бўлганда янги бинолар қуриш, синф ва лаборатория хоналарини, кутубхона ва бошқа иншоотларини замонавий жиҳоз, мебель, компьютер ва бошқа ўқув-лаборатория воситалари билан жиҳозлаш, ўқув адабиётлари ва методик қўлланмалар билан таъминлаш, юқори касб маҳоратига эга ўқитувчилар ва ходимларни қўшимча рағбатлантириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

Ихтисослаштирилган мактабни сақлаш билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда:

Ихтисослаштирилган мактабни ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқув-тарбия жараёнини халқаро андозалар асосида ташкил этиш мақсадида унга Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент шаҳридаги Инҳа университети профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда жалб этсин;

бир ҳафта муддатда — Ихтисослаштирилган мактабнинг уставини тасдиқласин ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

уч ой муддатда — республиканинг мактаб ёшидаги иқтидорли ўқувчиларига математика, физика ва информатика фанларини интеграциялашган ҳолда қамраб олган кўрик-танлов натижаларига кўра бериладиган "Муҳаммад ал-Хоразмий издошлари" номли мукофотни таъсис этсин.

6. 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ихтисослаштирилган мактабнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган тартибда мактабнинг кутубхона фондини зарур дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2017 йилги Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 14 сентябрь*

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Замонавий ахборот-коммункация технологияларининг жадал ривожланиб бориши мазкур соҳада хизмат қилишга қодир кадрларни тайёрлаш масаласини ўта долзарб вазифага айлантирди. Хорижий давлатларда коммуникация технологиялари халқ хўжалигининг барча соҳаларига жорий этилгани сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий соҳаларнинг ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Иқтисодиёт кўрсаткичларининг ижобий ўсиши ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига янгидан-янги инвестицияларнинг киритилишига олиб келади. Энг муҳим инвестиция эса, кадрларни тайёрлашга, уларни ёшлик давридан тайёрлаб боришга катта эътибор қаратишдир.

Улуғ аждодимиз Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилиши ҳам айнан ана шу вазифани амалга оширишдаги илк қадам бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида охирги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жамиятнинг барча соҳалари, шу жумладан, давлат бошқаруви, жамият, таълим, тиббиёт соҳаларига жорий этиш ҳамда давлат хизматларини тақдим этиш бўйича йирик ислоҳотлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Мазкур мактабнинг ташкил этилиши даврнинг ана шу даъватига жавоб бера оладиган кадрларни ёшлигиданоқ тайёрлаб бориш, соҳада етук ҳамда замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга замин яратади.

Мактабни ташкил этишдан асосий мақсад — улуғ аждодимиз Муҳаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросини қадрлаш, ўрганиш ва тадқиқ этиш, уни ёш авлод онгига чуқур сингдириш, ўқувчиларга аниқ фанларнинг юксак чўққиларини забт этиш, бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги иқтидорини аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар базасини яратишдан иборатдир.

Ихтисослаштирилган мактабнинг асосий вазифалари этиб — ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилган ҳолда математика, физика, информатика ва чет тили фанларининг чуқур ўзлаштирилишига эришиш, ўқувчиларни дастурлаш асослари, маълумотлар базасини шакллантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўникмаларга эга қилиш, ахборот ва медиа ҳамда интеллектуал маданиятни мактаб давридан бошлаб шакллантиришдан иборатдир.

Шунингдек, мазкур соҳада юқори маҳоратга эга педагогларни ҳамда мутахассисларни жалб қилган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси махсус мактабини яратиш, ёш математиклар, ёш физиклар, ёш дастурчилар, ёш ихтирочилар жамоаларини тузиш, уларнинг республика ва халқаро фан олимпиадаларида мунтазам ва самарали иштирокини таъминлашни ташкил этиш ҳам мактабнинг асосий вазифаларидандир.

Мактаб олдига қўйилаётган талаблардан бири — ана шу мақсадларга эришиш учун юқори малакали, соҳасининг билимдони бўлган ўқитувчи-педагоглар базасини шакллантириш билан биргаликда, мактабда чет тилини ўқитишга ҳам катта эътибор қаратилганидир.

Мактабда ўқув жараёни халқаро андозалар асосида олиб борилиши мақсадида унга Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент шаҳридаги Инҳа университети профессор-ўқитувчиларини ҳам жалб этиш белгиланган.

Мазкур қарор билан мактабда таҳсил оладиган ўқувчиларга барча шарт-шароитларни яратиш билан биргаликда уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб бориш, мактаб ёшидаги иқтидорли ўқувчиларга математика, физика, информатика фанларини интеграциялашган ҳолда қамраб олган кўрик-танловлар ўтказиш, уларнинг натижаларига кўра бериладиган "Муҳаммад ал-Хоразмий издошлари" номли мукофот ҳам таъсис этилди.

Ихтисослаштирилган мактабнинг ташкил этилиши — республикада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, келажак авлодни буюк аждодларимизга муносиб этиб тарбиялаш, давр талабларига дадил жавоб бера оладиган мутахассисларга бўлган катта эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

2017-yil 16-sentabr, № 74 (9035)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИНИ ВА "АСТРОНОМИЯ ВА АЭРОНАВТИКА" БОҒИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Халқ таълими вазирлигининг Фанлар академиясининг Астрономия институти (кейинги ўринларда — Астрономия институти) қошида 200 ўқувчи ўрни ва 150 ўринли турар жойига эга бўлган, математика, астрономия, физика ва информатика фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини (кейинги ўринларда — мактаб-интернат) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мактаб-интернатнинг моддий-техника базаси, педагог кадрларнинг салоҳияти ҳамда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кейинги йилларда ўқувчиларни қабул қилиш квоталарига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Астрономия институтига мактабнинг ўқув жараёнида соҳанинг етакчи мутахассислари иштирокини таъминлаш, институтнинг мавжуд асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда астрономия бўйича дарс ва амалий машғулотларни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда:

Астрономия институти ҳудудида мактаб-интернат биноси ва ўқувчилар турар жойини қуриш учун жой ажратиш;

мактаб-интернат биноси ва ўқувчилар турар жойи қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

мактаб-интернатни қуриш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил Инвестиция дастури доирасида Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасидан маблағлар ажратиш вазифалари юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва кенг жамоатчилик вакилларининг:

Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси 33-уй манзилида Астрономия институти ҳудудида "Астрономия ва аэронавтика" боғи ва Планетарийни ташкил этиш;

Астрономия институтининг асосий ва тарихий биноларини, шунингдек, маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган телескоплар павильонларини капитал таъмирлаш бўйича таклифлари маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюртмасига мувофиқ Мудофаа вазирлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва "Тошкент механика заводи" АЖ тасарруфидаги самолёт намуналарини боғда жойлаштириш учун ажратиш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда мактаб-интернат ва боғни ташкил этиш, Астрономия институтининг асосий ва тарихий биноларини капитал таъмирлаш билан боғлиқ ташкилий масалалар ва молиялаштириш манбаларини аниқлашга қаратилган чораларни кўрсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 14 сентябрь*

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва "Астрономия ва аэронавтика" боғини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Астрономик тадқиқотлар илдизи Ўзбекистонда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги биринчи минг йилликда қишлоқ хўжалиги ишларининг муддатларини белгилашда Қуёш, Ой ва сайёраларнинг ҳаракатланиш қонуниятларига доир чуқур билимлар асосида тузилган тақвимлардан фойдаланадиган деҳқончиликка ихтисослашган ривожланган тарихий-маданий марказлар фаолият кўрсатган. Астрономия фан сифатида ўрта асрларда жадал суръатларда ривожланди. Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, айниқса, Мирзо Улуғбек каби ўрта асрлар буюк мутафаккирларининг математика ва астрономиянинг ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган.

Астрономия фанининг келгусида янада тараққий этиши иқтидорли ёшлар орасидан малакали кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш талаб этилишини инобатга олиб, ўсиб келаётган ёш авлодни халқимизнинг астрономияни ўрганишдаги буюк анъаналари руҳида тарбиялаш, иқтидорли ёшларнинг астрономия ва аэрокосмос фаолияти соҳасидаги миллий ва дунё илм-фанининг янги ютуқларини ўрганиш ва ўзлаштиришга бўлган иштиёқини ривожлантириш, ёшларнинг аэрокосмик фан ва техника асосларини эгаллаши учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва "Астрономия ва аэронавтика" боғини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан Астрономия институти қошида математика, астрономия, физика ва информатика фанларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ташкил этилади. Мактабда 200 нафар ўқувчи таҳсил олиши ҳамда ва 150 ўринли турар жой биноси ташкил этилиши кўзда тутилган.

Қурилиш-таъмирлаш таълим муассасасини жиҳозлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил Инвестиция дастури доирасида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи сифатида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи" инжиниринг компанияси белгиланган бўлиб, барча қурилиш-таъмирлаш ишларини 2018 йил 1 августга қадар якунлаш режалаштирилган.

Мактаб-интернат 2018-2019 ўқув йили бошлангунига қадар Халқ таълими вазирлиги томонидан барча зарур мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланади.

Қарорга мувофиқ 2018-2019 ўқув йилидан мактабга 7-синфдан бошлаб ҳар бир синфда 20 нафардан ўқувчи қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мактаб-интернатнинг моддий-техника базаси, педагог кадрларнинг салоҳияти ҳамда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кейинги йилларда ўқувчиларни қабул қилиш квоталарига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилган.

Астрономия институти мактабнинг ўқув жараёнида етакчи мутахассислар иштирокини таъминлайди, мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда астрономия бўйича дарс ва амалий машғулотларни ташкил этади.

Ушбу қарор асосида Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси, 33-уй манзилида Астрономия институти ҳудудида "Астрономия ва аэронавтика" боғи ва Планетарий ташкил этилади. Шунингдек, Астрономия институтининг асосий ва тарихий биноларини ҳамда маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган телескоплар павильонларини капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Ушбу боғ ва Планетарийга Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюртмалари асосида Мудофаа вазирлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва "Тошкент механика заводи" АЖ тасарруфидаги мавжуд самолёт намуна(макет)лари ажратилади ва ўрнатилади.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:" бўлимида умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш муҳим мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Мазкур қарор ушбу мақсадни амалиётда жорий этиш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда изланувчан ёшларни илмий-тадқиқот йўналишида тайёрлашга хизмат қилади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун анъанавий таълим хизматлари билан бир қаторда сифатли ва оммабоп таълим олишнинг муқобил имкониятларини яратадиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш бозорини жадал ривожлантириш;

илғор халқаро тажрибаларни инобатга олиб, ўқитишнинг инновацион педагогик шакллари, услублари ҳамда замонавий технологияларидан фойдаланиш асосида таълим соҳасидаги самарадорлик ва натижавийликни ошириш.

3. Белгилансинки, нодавлат таълим хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар:

ўз фаолиятини давлат таълим стандартлари ва талаблар асосида амалга оширади;

амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилган ҳолда юқори малакали педагог ва бошқа кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўради;

ўқиш муддати ва шартлари, тўлов миқдори, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар белгиланган шартномага мувофиқ таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари билан ўзаро муносабат ўрнатади;

ўз фаолиятини аҳолига пуллик таълим хизматларини кўрсатиш, хайрия фондлари ва грантлардан келиб тушган маблағлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштиради;

битирувчиларга давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжат беради.

4. Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида муассасадаги жами ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда таълим хизматларини кўрсатиш эвазига келиб тушган даромадлар ҳисобидан бепул (грант асосида) ўқишга қабул қилиши белгилаб қўйилсин. Кейинги йилларда ўқувчиларни бепул (грант асосида) ўқитишни давом эттириш бўйича қарор нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан таълим олувчининг оилавий шароити ва унинг академик натижаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда аҳолига нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга давлат мулки бўлган фойдаланилмаётган бино, объектлар ва иншоотларни давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ўрнатилган тартибда сотишни ташкил этсин.

6. Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда қуйидагилар тавсия қилинсин:

таълим жараёнини ўқитишнинг энг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда фанларни чуқурлаштириб ўргатиш йўналишида ташкил этиш;

ўзларига ном танлашда Ватанимизнинг машҳур ва буюк олимлари, жамият арбоблари исмларидан ўрнатилган тартибда фойдаланиш;

илғор илмий-амалий тажрибани жорий этиш ҳамда чуқурлаштириб ўрганиладиган фанларни чет тилида ўқитиш учун таълим жараёнига хорижий педагог ва мутахассисларни жалб қилиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 2018/2019 ўқув йили бошлангунга қадар ҳар бир туман (шаҳар)да давлат рўйхатидан ўтказиш тартибига риоя қилган ҳолда мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган камида биттадан юридик шахсни ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар 2021 йил 1 январгача бўлган муддатга қуйидаги тўловлардан озод қилинсин:

барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармасига мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари), бунда озод қилинаётган маблағлар уларни замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлаш, зарур маҳсулотлар ва жиҳозлар сотиб олиш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул таълим хизматларини кўрсатишга мақсадли йўналтирилади;

меҳнат шартномаси асосида таълим-тарбия жараёнига жалб қилинган хорижий ўқитувчи ва мутахассисларнинг ойлик иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси заруратдан келиб чиқиб, мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган янги ўқув асбоб-ускуналари ва ўқув материалларини республикага олиб киришда (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловлар бундан мустасно) божхона тўловларидан озод этиш ва уларнинг рўйхатини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, юридик шахслар томонидан нодавлат таълим хизматларини кўрсатишда:

чет эллик ўқитувчи ва мутахассислар жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғи ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган тўловлардан тузилган меҳнат шартномаси доирасида озод қилинади;

чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларга икки томонлама авиачипталарни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (узоқ муддатли меҳнат шартномаси асосида — бир йилда икки мартадан ошмаган ҳолда) иш берувчи томонидан қопланиши мумкин;

чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларнинг яшаш жойи учун тўловлар қисқа муддатли меҳнат шартномаларига асосан (бир ойдан кўп бўлмаган муддатга) иш берувчилар томонидан амалга оширилади, узоқ муддатли меҳнат шартномалари доирасида уларнинг яшаш жойи учун тўловлар шартнома шартларига мувофиқ иш ҳақи билан биргаликда тўлаб берилади.

11. Тижорат банкларига мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга бошланғич маблағни шакллантириш, бино ва иншоотларни сотиб олиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, замонавий ўқув жиҳозлари ва ўқитиш воситаларини сотиб олиш учун 5 йилдан кам бўлмаган муддатга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставкада имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тегишли вазирлик ва идоралар буюртмаларига асосан нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан ишга таклиф қилинаётган хорижий ўқитувчи ва мутахассисларнинг кириш визаларини ўрнатилган тартибда консуллик ва бошқа тўловларни ундирмаган ҳолда расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қуйидагиларни белгилайдиган ҳукумат қарорини қабул қилсин:

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилик самарали механизмларини жорий этиш;

илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш;

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш билан шуғулланадиган юридик шахслар фаолиятини назорат қилиш механизмлари;

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятига лицензия бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 15 сентябрь*

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига шарҳ

Мустақиллик йилларида таълим соҳасида ёшларга замонавий билимларни бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига қаратилган туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусан, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, интеллектуал, эстетик ва жисмоний баркамол авлодни шакллантиришни ҳамда ёшларга таълим беришни янги сифат даражасига кўтариш, шу жумладан, чет тиллари, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби муҳим ва талаб юқори бўлган бошқа фанларни чуқурлаштириб ўрганиш 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган.

Хорижий тажрибалар давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат фуқароларнинг сифатли таълим олишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришга хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларда нодавлат таълим секторининг умумий ўрта таълимдаги улуши юқори бўлиб, Германияда 12 фоизни, Францияда 17 фоизни, АҚШда 18 фоизни, Буюк Британияда 20 фоизни, Испания, Ирландия ва Голландияда 30 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги кунда республикада 43 та нодавлат умумий ўрта таълим мактаби тегишли лицензияга эга бўлиб, халқ таълими тизимидаги 9680 та мактабга нисбатан уларнинг улуши 0,4 фоизни ташкил этади. Нодавлат умумий ўрта таълим мактабларининг аксарият қисми (27 та) Тошкент шаҳрида жойлашган, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида бирорта нодавлат мактаби ташкил этилмаган.

Фаолият кўрсатаётган нодавлат таълим муассасаларидан 20 таси бошланғич таълим (1-4-синфлар), қолган 23 таси умумий ўрта таълим (1-9-синфлар) босқичларига мўлжалланган, улардаги 330 та синфда 6 мингга яқин ўқувчи таълим-тарбия олади (давлат мактаблари контингентига нисбатан 0,12%).

ЮНЕСКО ва DGP Research & Consulting консалтинг ташкилоти ҳамкорлигида жалб этилган хорижий экспертлар гуруҳи томонидан миллий таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлилларда таълим сифатини яхшилашда рақобат муҳитини шакллантириш, бунда хусусий таълим секторини ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Мавжуд муаммоларни амалий бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан нодавлат таълим муассасаларига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш ва аввал ажратилган кредитлар муддатини узайтириш, таълим ва унга тегишли хизматлар бўйича барча солиқ турлари тўловларидан 2021 йилгача озод этиш, фанларни чет тилида чуқурлаштириб ўқитиш ва бу орқали таълим сифатини ошириш мақсадида таълим жараёнига хорижлик ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб этиш назарда тутилган.

Ўз навбатида, нодавлат таълим муассасаларига таклиф этилаётган хорижлик ўқитувчи ва мутахассисларга виза бериш, авиатранспорт, турар жой, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш ва солиқлардан озод қилиш каби масалалар ҳам ўз ечимини топган.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида муассасадаги жами ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган ҳолда таълим хизматларини кўрсатиш эвазига келиб тушган даромадлар ҳисобидан бепул (грант асосида) ўқитиш белгиланган.

Бундан ташқари, қарорда ўрнатилган тартибда аккредитациядан ўтказилган нодавлат таълим муассасалари битирувчиларига давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжат бериш ҳуқуқи назарда тутилган.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга нодавлат таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш, қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича тегишли тартиб ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш топшириқлари берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши халқ таълими тизимида соғлом рақобат муҳитини яратиш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, хорижий ўқитувчиларни жалб қилиш йўли билан аниқ ва табиий фанлар, чет тилларни чуқурлаштириб ўқитиш ва бу, ўз навбатида, ёшларнинг дунё меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали мутахассис кадр сифатида жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузини оширишига, баркамол инсон бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Қарор нодавлат таълим муассасалари сектори кенгайиши, республиканинг ҳар бир туман ва шаҳридаги фуқаролар таълим хизматларидан фойдаланишда танловга эга бўлиши, ёшларга муносиб таълим-тарбия бериш каби вазифаларни ўз зиммасига оладиган малакали хусусий тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

# Тошкентда Қозоғистон миллий маҳсулотлари кўргазмаси иш бошлади

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Боиси 15 сентябрь куни бу ерда иш бошлаган кўргазма иштирокчилари халқимиз билан кўп асрлик қардошлик ва дўстлик ришталари билан боғланган бўлса, намойиш этилаётган маҳсулотлар биродар қозоқ халқининг кейинги чорак асрда қўлга киритган ютуқлари билан бевосита танишиш имкониятини тақдим этди.




Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида ташкил этилган Қозоғистон миллий маҳсулотлари кўргазмасида қўшни мамлакатнинг автомобилсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, электротехника, қурилиш материаллари ва бошқа тармоқларда фаолият кўрсатаётган элликка яқин компанияси маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Отажонов ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари кейинги пайтларда жадал ривожланиб бораётгани, бунда давлатларимиз раҳбарлари ўртасида эришилган келишувлар ижроси алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Жорий йил март ойида Остонада ўтказилган Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этилган Қозоғистон миллий маҳсулотлари кўргазмаси икки мамлакат ишбилармон доиралари учун муҳим бизнес майдончаси вазифасини ўтайди.

— Сўнгги ярим йилда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги товар айланмаси 35 фоиздан ошгани мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларини янада фаоллаштириш учун етарлича имкониятга эга эканидан далолат беради, — дейди Қозоғистон Республикаси инвестиция ва тараққиёт вазири Женис Касимбек. — Жорий йилнинг охирига қадар товар айланмасини икки миллиард долларгача етказиш режалаштирилмоқда.

«AllurGroup» автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи миллий компанияси директорлар кенгаши раиси Андрей Лаврентьевнинг таъкидлашича, икки мамлакат ўртасида автомобилсозлик йўналишида ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши «GM Uzbekistan» автомобилларининг Қозоғистонда янада оммавийлашишига хизмат қилади.

Кўргазмада Қозоғистонда ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситалари кенг намойиш этилмоқда. Бир неча русумдаги «Peugeot», «Lada» бренди остида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар, «JAC» электромобиллари ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Таъкидлаш керакки, кўргазма Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар қозоғистонлик тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотганини намойиш этди.

— Қозоғистон ва Ўзбекистон анъанавий савдо ҳамкорлар ҳисобланади, — дейди «Kazakh Invest» компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Мейржан Майкенов. — Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда валюта бозорини либераллаштириш, импорт товарларга акциз солиқларини камайтириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар, шубҳасиз, қозоғистонлик тадбиркорларни мамлакатингиз бизнес доиралари билан фаол ҳамкорликка ундайди.

— Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш йўналишида олиб бораётган тизимли ишлари бизга улкан имкониятлар яратмоқда, — дейди «Жасампаз» консорциуми кузатув кенгаши раиси Гулмира Уахитова. — Хусусан, консорциум атрофида бирлашган 30 га яқин корхона кийим-кечаклар ишлаб чиқиш учун ипкалава маҳсулотларини хориждан келтирмоқда. Мамлакатингиз раҳбарияти томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, эндиликда биз мазкур хомашёни Ўзбекистондан харид қилишни режалаштирмоқдамиз.

Экспозициянинг алоҳида бўлимида Қозоғистон илмий-техник ишланмалари, илм-фанда эришилаётган ютуқлар, инновацион технологиялар намойиш этилмоқда. Улар орасида таълим ва тиббиёт йўналишида фаолият кўрсатаётган Назарбоев университети, Қозоғистон Республикаси Мудофаа ва аэрокосмик саноат вазирлиги, «Kazakhstan Engineering» компанияси стендлари кўпчиликнинг эътиборини жалб этмоқда.

Қозоғистон миллий маҳсулотлари кўргазмаси иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ва ўзаро товар айланмасини 2020 йилгача 5 миллиард долларга кўтаришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг таркибий қисми сифатида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О.Раматов қатнашди.

**Беҳзод БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

2017-yil 16-sentabr, № 74 (9035)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# КИТОБ МАҲСУЛОТЛАРИНИ НАШР ЭТИШ ВА ТАРҚАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КИТОБ МУТОЛААСИ ВА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Айниқса,ноширлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, юртимизда соғлом рақобатга асосланган босма ва электрон китоблар бозорини шакллантиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда улкан аҳамиятга эга бўлган ана шундай муҳим вазифаларни комплекс ҳал қилиш, китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг яхши намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига етказиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда кўзда тутилган қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилсин:

китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, ноширлик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

китоб маҳсулотлари бўйича давлат буюртмасининг асосий йўналишларини шакллантириш, адабий-бадиий, ўқув-услубий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўргазмали адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ихтисослаштирилган китоб дўконлари фаолиятини ривожлантириш;

жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмалари бериш, уларни зарур нусхаларда юксак сифат билан нашр этиш ва молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш чораларини белгилаш;

ахборот-кутубхона фаолиятини кучайтириш, таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондлари, кутубхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг "Маънавият хоналари"ни ўқув-услубий, техник адабиётлар, адабий-бадиий, маърифий ва илмий-оммабоп китоблар билан бойитиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

нашриётлар ва матбаа соҳаси мутахассисларини, бадиий ва техник муҳаррирлар, графикачи рассомлар, ахборот-кутубхона ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги илмий-техник, адабий-бадиий ва энциклопедик адабиётларни янада кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона марказларидаги барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона базасини шакллантириш ва ундан бошқа ахборот-кутубхона муассасаларида туриб фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини ташкил этиш чоралари тўғрисида тадбирлар режаси лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш;

мамлакатимизда интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш имконини берадиган eReader электрон ўқув қурилмаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларнинг ахборот базасига умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий, илмий-назарий манбаларни жойлаштириш, бундай маҳсулотларни арзон нархларда сотиб олиш механизмларини йўлга қўйиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини кўриш;

китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида "Энг китобхон мактаб", "Энг китобхон маҳалла", "Энг китобхон оила", "Энг фаол кутубхоначи" каби кўрик-танловларнинг саралаш ва республика босқичларини юқори савияда ўтказишни йўлга қўйиш.

2. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

дастурда кўрсатилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳар бир шаҳар ва туманда китоб савдосига ихтисослаштирилган дўконларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини текин фойдаланиш учун берилишини таъминлайди;

савдо айланмасида китоб сотиш улушининг ҳажми 70 фоиздан кўп бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларининг алоҳида статистик ҳисоби юритилади ва улар 2020 йил 1 январга қадар ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилади;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига шу йўналишда мунтазам равишда махсус кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар тайёрлаш ва эълон қилиш тавсия этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларига китоб савдосига ихтисослаштирилган замонавий дўконлар, шунингдек, нашриёт ва матбаа корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш ҳамда янги китоб дўконларини қуриш учун Марказий банкнинг йиллик қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган фоизларда имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 13 сентябрь*

# Мактабгача таълим муассасалари фаолияти янада ривожланади

***Пойтахтимиздаги Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида «Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу каби ишлар кўламини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбирда БМТнинг халқаро болалар жамғармаси масъул ходимлари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, илмий ходимлар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мактабгача таълимнинг ўз ечимини тўлиқ топмаган, долзарб муаммолари муҳокама этилди.

— Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифатини такомиллаштиришга оид назарий-амалий ёндашувлар бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари С.Турғунов. – Фарзандларимиз замонавий таълим тамойиллари асосида тарбияланса, бу жараёнда тарбиячиларнинг касб вазифаларига бўлган масъулият ҳисси кучайтирилса, баркамол авлод тарбиясининг янада яхшиланишига, таълим сифати ва самарадорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Болани мактабга тайёрлашнинг долзарб вазифалари, мактабгача таълим муассасаларининг оила, маҳалла билан ҳамкорлигини кенгайтириш имкониятлари, болаларнинг хорижий тилларга қизиқишини шакллантиришга доир мавзуларда маърузалар тингланди.

**Г.БОБОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

2017-yil 16-sentabr, № 74 (9035)

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

# Эзгулик маёғи

***Китобни бежиз офтобга менгзашмайди. Чиндан ҳам, беминнат дўст ҳисобланмиш китоб маёқ янглиғ умр йўлларимизни эзгулик томон бошқариб туради.***

Болаликдаги кўплаб саволларга айнан китобдан жавоб олганимиз ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ. У гоҳи бобо-бувимизга айланиб одобу ахлоқдан насиҳат қилса, баъзан яқин сирдош дўстимиз қиёфасига кириб, кўнгил кечинмаларимизга ҳамдам бўлди.

Бугун китобнинг қадри ҳар қачонгидан ўзгача, китобхонликка, мутолаага эътибор ундан-да аъло. Айниқса, ўсиб келаётган авлодни китобга ошно қилиш, мутолаани уларнинг кундалик эҳтиёжига айлантириш борасида талайгина ишлар амалга оширилаётир. Албатта, буларнинг тагзамирида халқимизнинг эртаси бугунидан-да яхши бўлишини таъминлашдек эзгу мақсад мужассамдир. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Болалар китоби» республика фестивали мазкур мақсаднинг амалий ифодасидир. Хайрли муроднинг ҳаётимиздаги инъикоси бўлаётган фестиваль бир вақтнинг ўзида барча ҳудудларда кенг нишонланаётгани кишини қувонтиради. Китоб байрамининг пойтахтимиздаги тантаналари Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтмоқда.

...Одатда дам олиш кунлари гавжум бўладиган боғ бугун тарки одат қилгандек. Ўқувчиларнинг узун карвони билан бирга боққа кириб бордим. Кираверишдаги йўлакларнинг икки тарафида элимизнинг севимли ижодкорларининг портретлари ўрнатилган. Мендан сал олдинроқда кетаётган, кўринишидан юқори синфга энди ўтган ўғил-қизлар топқирликда мусобақалашгандек бир-бирига гал бермайди:

— Ғафур Ғуломнинг расми бу. Унинг «Шум бола» қиссасини ўқиганман.

— Мен ҳам, икки марта ўқиб чиққанман.

— Буниси Абдулла Қаҳҳор... Ҳамид Олимжон... Зулфияхоним...



Ўқувчилар билан ҳамқадам юриб, уларнинг болалиги меникидан кўра кўпроқ китобга яқин ўтаётганини англайман. Ва беихтиёр суюниб кетаман: китобга дўст болалардан ёмонлик чиқмайди-да! Ўнгу сўлдаги йўлакларнинг барида турфа нашриётларнинг маҳсулотлари. Чор-атроф китоб.

Болалар табиатан ўйинқароқ бўлади. Лекин боғдаги турли аттракционларга парво қилмай, китоб ўқиётган, китоб танлаётган, харидини дўстига мақтанаётган ўғил-қизларни кўриб қувонаман. Инсоният яратган энг улуғ мўъжиза — китоб шундайин сеҳрли кучга эгалигининг исботи-да бу, деяман пичирлаб. Шогирдларини байрамга олиб келган ўқитувчиларни кузатиб, бу фидойи инсонларни тўхтатиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида раҳмат айтгим келади. Ўқувчиларига китоб танлашда кўмаклашаётган муаллимнинг ёнига бориб, китоб харидига оид маслаҳат сўрагандек бўламан. Гап орасидан кимлиги, қаердан келгани билан қизиқаман:

— Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нодира Жамолиддиноваман. «Болалар китоби» фестивалига ўқувчиларимни олиб келдим. Фарзандининг тарбиясига бефарқ бўлмаган ота-оналар мана мен билан бирга келишди, — ўқитувчи шундай дея бироз нарида ўғил-қизига китоб харид қилаётган аёлларга ишора қилди. Уларга яқинроқ бораман. Нашриёт ходимаси уларнинг бири билан гаплашаётган экан.

— Қизингизни байрамга олиб келибсиз-да. Исминг нима, қизим, ойинг сенга қанақа китоблар олиб берди? — Қизалоқ бироз уялгандек, онасининг ортига яширинади. Хижолат тортган она уятчан қизининг ўрнига жавоб беради.

— Эъзоза Ашуралиеваман демайсанми, қизим. Эъзоза бироз тортинчоқ, айбга буюрмайсиз-да, опа. Ҳозир Сергелидаги 300-ИДУМнинг бошланғич синфида ўқийди. Мен унинг онаси Насиба Холмуродоваман. Бугун оилавий кутубхонамиз яна ўндан ошиқ китоблар билан бойиди. Эртаклар, болаларга мослаб чиқарилган ҳадислар жамланмасини сотиб олдик. Мен кўпроқ тарихий асарлар олдим. Болаларимиз тарихни яхши билиши керак. Ўзим ўқиган тарихий асарларнинг лотин алифбосидаги нашрларини фарзандларимга совға қилмоқчиман.

Тарбиянинг боши — оила. Китобхон авлодни шакллантириш учун аввало китобхон оналарни кўпайтириш керак. Боғдаги ярмаркаларни айланаман. Нашриётлар, матбаа корхоналарининг китоб расталари гавжум. Қувонарлиси, уларнинг кўпчилиги болалар. Юриб-юриб, боғ марказидаги саҳна қаршисидан чиқдим. Бошловчи ёқимли овозда гап бошлади:

— Ассалому алайкум, азиз китобхонлар, ҳурматли меҳмонлар! Бу йил учинчи маротаба ўтказилаётган «Болалар китоби» республика фестивалига хуш келибсиз. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими, Маданият вазирликлари ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур китоб байрамида юртимизда фаолият юритаётган 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 131 та нашриёт, 1815 та матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, ҳар йили 4 минг номдан ошиқ, умумий адади 50 миллион нусхадан ортиқ турли китоблар нашр этиляпти. Чоп этилаётган адабиётларнинг учдан бири болалар ва ёшларга мўлжалланган.

Саҳнадан бироз узоқлашиб, ўқувчилар тўпланиб турган жойга қараб одимлайман. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши ўтказаётган лойиҳа устидан чиқдим. Ўзини иттифоқнинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Санжар Саидов деб таништирган йигит стол атрофида тўпланиб турган ўқувчиларга қарата изоҳ берди:

— Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши «Болалар китоби» фестивалига қизиқарли лойиҳалар билан келган. Китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида боғда турли бекатлар ташкил қилдик. Масалан, бир бекатда ўқувчиларга ўзбек ва жаҳон адабиётига тааллуқли саволлар берилади. Тўғри жавоб берган ўқувчига китоблар совға қилинмоқда. Бошқа бекатимизда эса сўровномалар тарқатилиб, болалар учун чоп этилган асарларнинг савияси, нашр сифати ҳақида фикр-мулоҳазалар билан бирга келгуси нашрлар режасига алоқадор таклиф ва тавсияларни ҳам жамламоқдамиз. Фестиваль сўнгида уларнинг ҳаммасини умумлаштириб, нашриётларга юборишни мақсад қилганмиз. Жараённи кузатиб, ўқувчиларнинг бадиий асарларни синчиклаб мутолаа қилганига, ҳатто асар қаҳрамонларининг диалогларини сўзма-сўз ёддан такрорлаб беришига гувоҳ бўлдик. Бу ҳолат бизни жуда қувонтирди. Уч кун давом этадиган фестивалда нашриётлар билан ҳамкорликни кучайтириб, ёшларни китобхонликка жалб қиладиган қизиқарли лойиҳалар, ўйин шаклидаги тарғибот тадбирларини режалаштирганмиз. Шунингдек, келгусида таниқли санъаткорлар, спортчилар иштирокида китоб мутолаасига ундовчи тарғибот роликлари яратишни ҳам ният қилганмиз. Ўйлайманки, бу ишлар китобсевар йигит-қизлар сафи ортишига, маънавий етук авлоднинг шаклланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.




(Давоми 16-бетда.)

2017-yil 16-sentabr, № 74 (9035)

# Muallim — millatning yuzi, Vatan istiqbolining bunyodkoridir

## *(Ta'lim muassasalarida 1-oktabr – O'qituvchi va murabbiylar kuni umumxalq bayramini nishonlash yuzasidan tavsiya)*

Xalqimiz azaldan ustoz-murabbiylarga ehtirom ko'rsatib, e'zozlagan. Ayniqsa, mustaqillik yillarida o'qituvchilarga e'tibor yanada oshdi. 1996-yil 27-dekabrda qabul qilingan «O'qituvchi va murabbiylar kunini belgilash to'g'risida»gi qonunga asosan 1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni umumxalq bayrami sifatida keng nishonlab kelinmoqda. Joriy yil ham ushbu sanani ta'lim muassasalarida tantanali va yuksak darajada nishonlash bo'yicha **quyidagilar tavsiya etiladi:**

**Tavsiya**

– bayram tadbirlarini Xalq ta'limi vazirligining 2017-yil 5-sentabrdagi "1-oktabr – O'qituvchi va murabbiylar kuni umumxalq bayramiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish to'g'risida"gi 285-sonli buyrug'i asosida tashkil qilish;

– bayram senariylari mazmuniga Davlatimiz mustaqilligining 26 yili davomida ta'lim tizimida amalga oshirilgan bunyodkorlik ishlari, ta'lim sohasidagi islohotlar, 2017—2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi, "Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili" Davlat dasturi doirasida bajarilgan ishlar hamda o'qituvchilik kasbini ulug'lovchi konseptual g'oyalarni singdirish;

– bayram tantanalari yuksak va badiiy jihatdan betakror o'tishini ta'minlashda rejissyorlar, yozuvchi-shoirlar, bastakor va baletmeysterlar, sahna rassomlari, folklor va boshqa san'at sohasi vakillarini jalb etish;

– barcha ta'lim muassasalarida 26—30-sentabr kunlari "Bayramingiz muborak, aziz ustozlar!" mavzusida turkum tadbirlar (davra suhbatlari, anjumanlar, ko'rgazmalar va hokazo) tashkil etish;

– ta'lim muassasalarini o'qituvchi va murabbiylarni ulug'lovchi, maktabning ulug' dargoh ekanligini targ'ib qiluvchi, o'quvchilarni bilim va hunar sirlarini puxta egallashga da'vat etuvchi chaqiriq, shior va tasviriy vositalar bilan bezatish;

– bayram tantanalariga davlat mukofoti sohiblari, faxriy ustozlar, faol o'qituvchi va murabbiylar, tizimda o'tkazilayotgan turli ko'rik-tanlov g'oliblari, yozuvchi-shoirlar, mahalla faollari va boshqa hamkor tashkilot vakillarini jalb qilish;

– o'quvchilar ishtirokida xalq ta'limi faxriylarining holidan xabar olish, ularni bayram munosabati bilan tabriklash, sovg'alar topshirish tadbirlarini tashkil etish.

Bayram tadbirlari dars, tarbiyaviy soat, seminar-kengash, adabiy-badiiy, ilmiy kechalar, uchrashuv va davra suhbatlari shaklida o'tkazilishi mumkin.

Tadbir davomida o'quvchi-yoshlarni vatanparvarlik, milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash va ularga sifatli ta'lim-tarbiya berishda boshqalarga o'rnak bo'layotgan ustozlarni moddiy va ma'naviy rag'batlantirish, ularni faxriy yorliqlar bilan taqdirlash maqsadga muvofiq.





## *Ta'lim muassasalarida o'tkaziladigan "Bayramingiz muborak bo'lsin, aziz ustozlar!" nomli tadbirning namunaviy senariysi*

*Maktab faollar zali va sahnasi o'qituvchi-murabbiylar haqidagi shiorlar va gullar bilan bezatilgan.*

*Po'lat Mo'min she'ri, xalq kuyi asosida yaratilgan "Ustozlar" qo'shig'ini musiqa jo'rligida bir o'quvchi ijro etadi. Bayram tadbiriga taklif etilgan mehmonlar va ustozlar hurmat bilan kutib olinadi.*

*(Maktab rahbari barchani bayram bilan qutlab, kechani ochiq deb e'lon qiladi).*

*(Sahnaga boshlovchi qiz va yigit bayramona liboslarda chiqishadi. Ustozlarni madh etuvchi she'rlar o'qiladi).*

**1-boshlovchi:** — Assalomu alaykum, aziz va mo'tabar ustozmurabbiylar!

**2-boshlovchi:** — Assalomu alaykum, qadrli mehmonlar va maktabdoshlar! "Bayramingiz muborak bo'lsin, aziz ustozlar!" deb nomlangan tadbirimizga xush kelibsiz!

*(Maktab qoshidagi havaskor o'quvchilar raqs yoki qo'shiq to'garagi a'zolari o'z chiqishlari bilan ustozlarni tabriklaydilar.)*

**1-boshlovchi:**

*— Sizning ta'limingiz olmagan*
*kim bor,*
*Siz-ku yuraklarda ilk ziyo yoqqan.*
*Olimmi, shoirmi va yo san'atkor,*
*Ilk bor sizga tomon ustoz,*
*deb boqqan.*

**2-boshlovchi:**

*— Bitta harf dardida riyozat chekib,*
*Oqibat ko'kka ham chiqolgan inson.*
*Ne ajab, sizlarni baxtiyor etib,*
*O'rnidan dast turib, bosh egsa shu on.*

**1-boshlovchi:** — Joriy yilda muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning tashabbuslari bilan mamlakatimizda yoshlarni birlashtiradigan, ularning xohish-istaklarini ro'yobga chiqaradigan, muammolarini hal qilishga ko'maklashadigan, har tomonlama qo'llab-quvvatlaydigan **O'zbekiston yoshlar ittifoqi** tashkil etildi.

**2-boshlovchi:** — O'zbekiston yoshlar ittifoqi tashkil etilgan kun – 30-iyun sanasi mamlakatimizda **"Yoshlar kuni"** deb e'lon qilindi.

Maktabimizda ham O'zbekiston yoshlar ittifoqining boshlang'ich tashkiloti tashkil etilib, eng tashabbuskor va eng tajribali yosh o'qituvchimiz "yoshlar yetakchisi" lavozimiga tayinlandi.

**1-boshlovchi:** — Endi sizlarni tabriklash uchun so'zni hurmat bilan maktabimiz yoshlarining yetakchisi, qadrli ustozimiz ............................ ga beramiz. Marhamat.

*(Yoshlar yetakchisining tabrik so'zi.)*

**2-boshlovchi:** — O'quvchi-yoshlarning kitobxonlik madaniyatini yanada oshirish borasida bir qancha tadbirlar amalga oshirilmoqda. "Kitobim — oftobim" haftaligi, "Adabiyot kunlari", "G'azalxonlik bellashuvi", "She'rxonlik", "Kitob taqdimoti" kabi tadbirlar, "Eng yaxshi kitobxon o'quvchi" va "Eng yaxshi kitobxon maktab" kabi tanlovlar shular jumlasidandir.

**1-boshlovchi:** — Ayniqsa, joriy yilda maktabimiz kutubxonasiga 28 nom, 120 dan ortiq nusxadagi o'zbek va chet el yozuvchilarining badiiy adabiyotlari, ensiklopediyalar hamda zarur kitoblar qo'shilgani bizni yanada ruhlantirib yubordi.

**2-boshlovchi:** — Qadrli ustoz! Hayot kitobini ochuvchi Sizsiz. Mabodo hayotda qoqilsak, xato qilib qo'ysak ularni to'ldiruvchi, tuzatguvchi, unutguvchi ham Sizsiz, aziz, muallim.

*(O'quvchilar Sh.Sattor she'ri, Sh.Yormatov musiqasi asosida yaratilgan "Muallim" qo'shig'ini musiqa jo'rligida ijro etishadi).*

**1-boshlovchi:** — *Ta'lim bergan*
*ustozi yashagan uy oldidan*
*Shogird poshsho bo'lsa ham tushib*
*o'tar otidan.*
*Bunday ibrat topilmas*
*tarixlar bisotidan,*
*Ey millat muallimi, zakiy va*
*donishmand zot,*
*Sizdan dars olib o'sar ozod va*
*erkin avlod.*
**(Sa'dulla Hakim)**

**2-boshlovchi:** — Muallim! Insonlarni ma'rifat sari yetaklovchi, qalblarni bilim va tafakkur nuri ila yorituvchi kamtarin SHAXSdir. Ana shunday zahmatli, ayni damda sharafli kasb egalari — aziz o'qituvchi va murabbiylarni kasb bayrami bilan samimiy muborakbod etamiz!

**1-boshlovchi:** — AZIZ USTOZ VA MURABBIYLAR! Barchangizga kasb bayramingiz muborak bo'lsin! Mamlakatimiz ta'lim tizimidagi islohotlarni yanada izchil davom ettirish hamda yosh avlodni Vatanga muhabbat, millatimiz va xalqimizga sadoqat ruhida tarbiyalashdagi sermashaqqat va sharafli faoliyatingizda omad hamda zafarlar yor bo'lsin!

*(Ustozlar uchun o'quvchilar tomonidan tayyorlangan konsert dasturi namoyish etiladi).*

**Respublika ta'lim markazi**

**Бухоро вилоятидаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг Муҳиддин қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танловининг якуний босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ташкил этилган мазкур танловда жами 20 нафар бухоролик ёш чолғучи саҳнага чиқди. Қувонарлиси, шундан 16 нафари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.**

# Санъат ғунчаларининг муваффақияти

Жумладан, Вобкент туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг анъанавий чолғу йўналишидаги иштироки кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди. Шоҳжаҳон Каримов қашқар рубобида биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Шу мактабнинг яна бир ўқувчиси Нодирбек Бобоев афғон рубобида 2-ўринга муносиб кўрилди.

Шунингдек, Бухоро шаҳридаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби тарбияланувчилари ҳам нуфузли танлов совриндорлари бўлишди. Чанг чолғусида ижро имкониятини намойиш этган Гулзода Жабборованинг маҳорати 2-ўринга лойиқ топилди. Доирада Жавоҳир Зоҳировнинг чиқиши йиғилганлар олқишига сабаб бўлди. У 3-ўринни қўлга киритди.

Республика танловида иштирок этган ўқувчиларнинг устозлари айни шу кунлари Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ўтказилган «Маҳорат дарслари»да фаол қатнашди. Бухоро шаҳридаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабининг халқ чолғулари (доира) синфи ўқитувчиси Ҳайдар Холов томонидан ўтказилган «Маҳорат дарси» иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА**
*Бухоро шаҳри*

# Туркум китоблар ва мультимедиа маҳсулотлари тақдимоти

**Пойтахтимиздаги «Китоб олами» маънавий-маърифий савдо мажмуасида филология фанлари номзоди Раҳимбой Жуманиёзовнинг «Маънавият ва мулоқот мезонлари» мавзусидаги туркум китоблари ҳамда мультимедиа маҳсулотлари тақдимоти бўлиб ўтди.**

— Бугунги тақдим этилаётган китоблар, аудио қўлланмаларнинг маънавият тарғиботида ўзига хос ҳиссаси бор. Уларнинг муаллифи нафақат маънавият тарғиботчиси, нотиқ, балки эски ўзбек ёзувида яхшигина хаттот ҳам, — дейди филология фанлари номзоди, профессор Султонмурод Олим. — Юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган ижодий учрашувлар, тарғибот тадбирлари, ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтларидаги муҳокамаларда фаол қатнашадиган Р.Жуманиёзовнинг китоблар ёзишга фурсат топиши мени доим ҳайратга солади.

Нотиқнинг аксар китобларида мулоқот ва муомала маданиятининг тамойилларини ўзлаштиришда оғзаки нутқнинг ўрни ҳақида батафсил фикр юритилади.

**Чарос БИЛОЛОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

# Энг маҳоратлиларгина ғолиб бўла олди

"Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2017"

***Маҳорат синовларда тобланади. Шу йил 13-15 сентябрь кунлари "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017" кўрик-танловининг республика босқичига етиб келган 68 нафар ўқитувчи она тили ва адабиёт, ўзбек тили, бошланғич таълим, биология ва география фанларидан билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.***

Иштирокчилар биринчи турда онлайн тарзда тест синовлари топширди. Баҳолаш жараёнини мониторда кузатиб бориш имконига эга бўлди.

Афсуски, айрим педагоглар етарли балл тўплай олмагани учун шу босқичдаёқ иштирокини тўхтатди. Натижада иккинчи ва учинчи турда камчилик ўқитувчилар ғолиблик учун курашди. Учинчи шартгача бошланғич таълим ва биология ўқитувчиларининг 4 нафаригина етиб келган бўлса, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг 6, ўзбек тили ўқитувчиларининг 11 нафари электрон тарзда ноанъанавий усулдаги дарс ишланма яратиш имкониятига муяссар бўлди. Янги педагогик ҳамда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш борасида бошланғич синф ўқитувчиларининг 2 нафари — Хоразм ва Фарғона вилояти вакилигина синовдан муваффақиятли ўтган. География фани йўналишида эса сўнгги шартда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Жиззах вилояти вакилларигина қолишган бўлса, биология фанидан Андижон, Бухоро, Фарғона, Жиззах вилояти вакиллари очиқ дарс ўтиш имкониятини қўлга киритди, холос.

Бу ҳолатни Республика таълим маркази бўлим бошлиғи Ўғилой Юсупова қуйидагича изоҳлади:

— 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб энг ташаббускор, маҳоратли, фидойи педагогларни аниқлаш, тажрибасини оммалаштириш, таълим жараёнига татбиқ этиш мақсадида иштирокчилар билими такомиллашган шартлар асосида синалмоқда. Энди республикамиздаги барча фан ўқитувчилари маълумоти ўрта ёки олийлиги, иш стажи, ёшидан қатъи назар, танловда қатнашиши таъминланмоқда. Бу эса биринчи турда тақдим этилган саволлар ва йўналишлар бўйича ўқитувчилар билимида қандай бўшлиқлар борлигини, барча мактаблар ва фанлар йўналишида самарадорликни аниқлаш имконини берди. Мисол учун, май ойида ўтказилган танловнинг республика босқичида кимё ва миллий истиқлол ғояси (6 нафар), немис (4 нафар) ва француз (3 нафар) тили фанларидан самарадорлик пастлиги аниқланган эди. Ечим сифатида юртимиздаги барча кимё фани ўқитувчилари Республика таълим маркази мутахассислари томонидан 24 соатлик ўқув курсида масофавий ўқитилди.







Умумий қилиб айтганда, барча фанлардан онлайн-тест, савол-жавоб, ёзма иш ва дарс ишланма яратиш шартларидан муваффақиятли ўтган 15 нафар ўқитувчигина якуний — очиқ дарс ўтиш шартида беллашди.

— Танловнинг сўнгги шартигача етиб келганим мен учун катта натижа бўлди, — дейди Боғот туманидаги 3-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Санобар Ражабова. — Жорий йилда танлов низомига ўзгартириш киритилгани бизга янада қулайлик яратиш билан бирга кенг билим ва маҳорат ҳам талаб этди. Онлайн-тест, ёзма иш, АКТдан фойдаланган ҳолда дарс ишланма тақдимотини яратиш ҳамда белгиланган мавзу бўйича дарс ўтиш танловни анча такомиллаштирган.

Аудиторияда кузатув камераларининг ўрнатилгани танловнинг холис ўтишини таъминлади. Ҳайъат аъзолари иштирокчиларни низом асосида ҳаққоний баҳолаб борди. Она тили ва адабиёт фани бўйича ҳакамлар ҳайъати раиси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Бахтиёр Менглиев иштирокчиларнинг муваффақияти ҳамда йўл қўйган хатолари ҳақида қуйидагича фикр билдирди:

— Танловнинг мезонлари жуда мураккаб эмас. Аммо иштирокчиларнинг танлов шартларида қийналиб қолгани кўзга яққол ташланди. Аксарият ўқитувчилар билими мактаб дарслиги билан чекланиб қолган. Аслида бугунги кун педагоги замон билан ҳамнафас қадам ташламоғи, дарсликдан ташқари бадиий ва қўшимча адабиётларни ҳам мутолаа қилмоғи лозим. Зеро, ўз устида тинимсиз ишлаш нафақат танлов қатнашчилари, балки замонамизнинг ҳар бир педагогидан талаб қилинадиган асосий шартдир. Иштирокчилар орасида изланувчан, билимдон ва интилувчан устозлар кўплиги танловда рақобатни янада оширди. Мисол учун, Китоб туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Д.Бердиеванинг дарс ўтиши барчага манзур бўлди. Ёш муаллима дарсни ноанъанавий тарзда ташкил этиб, барча турларда ўз маҳоратини намоён эта олди.

Танловда биология фани бўйича иштирок этган Шаҳрихон туманидаги 62-мактаб ўқитувчиси Фахриддин Давронов 8-синф ўқувчиларига "Одам танасининг тузилиши ва функцияси. Ҳужайралар шакли ва кўпайиши. Ҳужайранинг кимёвий таркибий қисмлари" мавзусида дарс ўтиб берди.

— Бегона мактабда нотаниш синф ўқувчиларига дарс ўтиш муаллимдан катта маҳорат талаб этади, — дейди Фахриддин Давронов. — Бу жараёнда ўқувчиларнинг билимли эканлиги менга катта ёрдам берди. Ўғил-қизлар мавзуни осон ўзлаштириб, дарсда фаол иштирок этди. Шу боис улар билан ишлаш мураккаб кечмади. Айниқса, микроскоп билан, шунингдек, интерфаол методлар орқали ўқувчилар билан ишлаш осон кечди.

Дарс ўтиш жараёнида ўқитувчиларнинг камчиликлари ҳам кузатилди. Масалан, орқа парталардаги ўқувчилар дарсга фаол жалб этилмагани, дарслик билан ишламагани, педтехнологияларни қўллашда хатоликка йўл қўйгани эътиборга олинди.

Ниҳоят, ҳаяжонли лаҳзалар яқинлашди. Қизғин ва кескин рақобат муҳитида бешта фан йўналишида энг кучлилар аниқланди. Унга кўра, она тили ва адабиёт фанидан Китоб туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси Дилноза Бердиева, ўзбек тили фанидан Олмалиқ шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси Мукаддам Йўлдошева, бошланғич таълим йўналиши бўйича Фарғона шаҳридаги 15-мактаб ўқитувчиси Қумрихон Маматхонова, география фанидан Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактаб ўқитувчиси Жаҳонгир Исматов ва биология фанидан Жондор туманидаги 49-ИДУМ ўқитувчиси Садоқат Қўчқорова ғолиб деб топилди.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**Гулюз ОРИФЖОНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбирлари**
**Б.РИЗОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**

# Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов

***2017 йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.***

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мажлисида маълум қилинди. Миллий матбуот марказида ўтказилган мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов олиб борди. Йиғилишда дастлаб Марказий сайлов комиссиясининг "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Маҳаллий кенгаш депутатларини сайлаш мақсадида ўтказиладиган мазкур сиёсий тадбир сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига тўла мувофиқ, демократик талабларга мос, умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган тарзда, очиқ-ошкора ўтказилиши таъкидланди.

— Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишлар жойларда ташкил этиладиган сайлов комиссиялари томонидан сайлов тўғрисидаги қонунчиликка, демократик принциплар ва халқаро стандартларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ олиб борилади, — деди М.Абдусаломов. — Сайловда юртимиздаги тўртта сиёсий партия ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз номзодларини тавсия этади. Сайланган депутатлар ўз ваколатларини 2019 йили юртимизда ўтказиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига навбатдаги сайловгача амалга оширади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилган брифингда оммавий ахборот воситаларида сайлов жараёнини кенг ёритиш, округ ва участка сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш, депутатликка номзодлар кўрсатиш тартиби, сайловолди ташвиқоти, манфаатдор ташкилотлар кузатувчиларининг иштироки ва оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масалалари бўйича ҳам маълумотлар берилди.

**Ҳасан МЎМИНОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

***Гурлан тумани марказидаги истироҳат боғида "Нуронийлар маскани" барпо этилиши кексалар учун чинакам байрамга айланди. Боғни кесиб ўтувчи Нукус анҳори бўйидаги мажнунтоллар тагига сўри ўрнатилган. Жануб томонда эса баланд дарахтлар соя ташлаб турибди.***

# "Нуронийлар маскани" барпо этилди

— Бу кексаларга бўлган эътиборнинг ифодасидир, — дейди "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси Сапарбой Собиров. — Бино ҳашар йўли билан атиги 45 кунда қуриб битказилди. 9 хонадан иборат янги иншоотда чойхона, кутубхона, шахмат-шашка ва маданий ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган бошқа хоналар мавжуд. Замонавий жиҳозлар келтирилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Маҳмудова, меҳнат фахрийси Аминбой Вапаев, узоқ йиллар тиббиёт соҳасида хизмат қилган отахон Рустам Бобожонов бинони фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этиб, бу ер отахону онахонлар дидига мос эканини таъкидлашди.

**Маҳмуд РАЖАБОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

**Ma'rifat**

2017-yil 16-sentabr, № 74 (9035)

***Мана, яна уч ой ўтиб таҳририятимиз томонидан ўтказиб келинаётган "Фаслнинг энг яхши ижодкори" танловининг ёз фасли (июнь, июль, август ойлари) якунини сарҳисоб қилдик. Ўтган мавсум давомида "Ma'rifat" саҳифаларида мазмунан теран, долзарб аҳамиятга эга таҳлилий-танқидий мақолалар, методик тавсиялар, ўқишли бадиий асар ва таржима материаллари бериб борилди. "Фаслнинг энг яхши ижодкори" танловининг навбатдаги ғолибларини аниқлаш жараёнида номинациялар бўйича ғолибликка даъвогар номзодларнинг кўплиги бизни хурсанд этди. Аммо айрим номинациялар (масалан, "Оригинал бир соатлик дарс", "Мазмунли таълимий бошқотирма") бўйича илғор тажрибали педагоглардан муносиб материаллар келмаганини таъкидлаб, уларни фаолликка чорлаб қоламиз.***

***Ҳар галгидек, газетада эълон қилинган материаллар ичидан энг муносиблари сараланди ва танлов ғолиби дея эътироф этилди. Ғолибликни қўлга киритган ижодкор муштарийларимизга, илғор тажрибали педагог ва муаллифларимизга самимий миннатдорлик билдирамиз.***

## «Faslning eng yaxshi ijodkori»

# Қайноқ фаслнинг

## *сара ижодкорлари*

| Танлов номинациялари номи | Ғолиб материал номи ва эълон қилинган санаси | Ғолиб муаллифлар |
|---|---|---|
| «Энг яхши мақола» | Тилшунос эмас, тил эгасини тарбиялаш лозим (2017 йил 9 август) | Ш.Шаҳобиддинова, Андижон давлат университети профессори, Д.Набиева, филология фанлари номзоди, доцент |
| «Сермазмун саҳифа» | Ҳаракатлар стратегияси: Жадал тараққиёт ва янгиланиш модели (2017 йил 22, 26 июль) | Мансур Бекмуродов, социология фанлари доктори, профессор |
| «Энг яхши очерк ёки эссе» | Кўзингиз ҳамиша ойдин бўлсин! (2017 йил 22 июль) | Мунаввара Усмонова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси |
| «Педагог-муаллифнинг долзарб материали» | Педагогдан қоғоз эмас, натижа сўранг! (2017 йил 7 июнь) | Феруза Рашидова, ЎзДЖТУ қошидаги 2-академик лицей директори |
| *Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар таҳририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридаги мукофот билан тақдирланади.* | | |
| «Қизиқарли интервью, суҳбат» | Таржима — маданиятлар кислороди (2017 йил 2 август) | Чарос Низомиддинова |
| «Жозибали сурат» | Илҳомбахш семинар (2017 йил 12 июль) | Рустам Назарматов |
| «Самарали методик материал» | Ўқувчи нега ўзлаштира олмайди? (2017 йил 12 июль) | Матлуба Тоғаева, Миробод туманидаги 125-мактабнинг амалиётчи-психологи |
| «Тарбияга оид амалий таклиф» | Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ёхуд "маънавий тиббиёт" услублари ҳақида (2017 йил 24 июнь) | Муҳаммаджон Қуронов, педагогика фанлари доктори, профессор |
| «Ўқишли бадиий асар» | Полвон (2017 йил 16 август) | Бобоpar Ғозиддинов |
| *Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар таҳририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридаги мукофот билан тақдирланади.* | | |
| «Воқеликка муносиб шарҳ» | Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ мактаблар (2017 йил 16 август) | Ғанишер Акбаров |
| «Ўзига хос янгилик» | Web of science тизими тадқиқотчи олимларимиз учун дунё илм-фанига эшик очади (2017 йил 28 июнь) | Аброр Умарқулов |
| «Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши» | Тақриз — ўқиш, уқиш маҳсули (2017 йил 5 август) | Ҳилола Қаршибоева, ЎзМУ талабаси |
